



ХОКИМИНИНГ
ҚАРОРИ

АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

170131, Андижон шаҳри,
Абдурауф Фитрат номли кўча, 239.

170131, г. Андижан, ул. им. Абдурауфа
Фитрата, 239.

Тел.: 8 (374) 222-15-36, Факс: 222-14-18, <http://www.andijan.uz>, e-mail: umumiy@andijan.uz

23.02.16 № 53-қ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487 сонли
қарори ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487 сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб ҳамда 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 25-моддаларига асосан .

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-2487 сонли қарори асосида ишлаб чиқилган вилоят дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш.Шералиев, ўринбосарлари А.Эгамбердиев, Ш.Турсунов, М.Юнусоваларга ҳамда маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси А.Нурматов билан биргаликда вилоят дастурининг барча йўналишларида белгиланган чора-тадбирларни ўз муддатида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш топширилсин.

3. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 15 февралдаги 47-қ сонли қарори билан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” вилоят дастурини ишлаб чиқиш, бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини амалга ошириш бўйича вилоят комиссияси (М.Юнусова)га:

- вилоят дастурини ҳар бир бандини бажарилишини тизимли назорат қилиш ва мувофиқлаштириб бориш;

- вилоят дастурини амалга ошириш давомида мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими тўғрисида вилоят комиссиясига ахборот ҳамда таклифлар киритиб бориш;

- ҳар чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича маълумот киритиб борилишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Шаҳарлар, туманлар ҳокимларига:

- **бир ҳафта** муддатда “Соғлом она ва бола йили” ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва вилоят комиссиясига тақдим этиш;
- ҳудудий дастурларни бажарилишини таъминлашда ва мониторингини олиб боришда шаҳарлар, туманлар комиссиялари томонидан тизимли мониторинг олиб борилишини алоҳида назорат қилиб бориш;
- **ҳар чорак** яқунлари бўйича ҳудудий дастурнинг ижроси юзасидан вилоят комиссиясига маълумот тақдим этиб бориш вазифалари тошширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси **А.Нурматовга** вилоятдаги оммавий ахборот воситалари томонидан “Соғлом она ва бола йили” давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ва унда белгиланган вазифаларни ёритиб бориш топширилсин.

6. Мазкур қарор вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин ҳамда расмий нашрларда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киритилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Ш.Шералиев**, ўринбосарлари **А.Эгамбердиев**, **М.Юнусова** (йигин), **Ш.Турсунов** зиммаларига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Ш.Абдурахмонов